Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2014-yil 10-aprel, payshanba № 45 (3394)

9 апрел – Амир Темур таваллуди куни

Мардлик ва жасорат тимсоли

Истиқлол йилларида миллий-маънавий қадриятларимизни, улуғ аждодларимиз номини тиклаш, улар меросини ўрганиш йўлида улкан ишлар амалга оширилди ва изчил давом этмоқда.

Амир Темур — ўзлигимизни англаш, миллий анъана ва қадриятларимизни тиклаш борасидаги улуғвор ишларда халқимиз тийнатидаги бунёдкорлик, обод ва фаровон ҳаёт барпо этиш, бугунги саодатли кунларга шукроналик, эртанги ёруғ келажакка ишонч билан яшашдек фазилатларга маънавий куч бағишлаётган шавкатли сиймолардан биридир. Қудратли салтанат барпо этиб, давлатчилик борасида бой амалий ва назарий мерос қолдирган, илму фан, бунёдкорлик, маданият, маънавият ривожига кенг йўл очган буюк аждодимизнинг ҳаёт йўли бугунги авлодлар учун ибрат мактабидир.

Президентимиз Ислом Каримовнинг ташаббуси билан 1996 йил мамлакатимизда Амир Темур йили, деб эълон қилинди. Шу йили бобокалонимизнинг 660 йиллиги халқаро миқёсда кенг нишонланди.

Тошкентда, Самарқандда, Шаҳрисабзда буюк бобомизнинг улуғвор ҳайкаллари қад кўтарди. Пойтахтимиздаги файзли хиёбон, шоҳ кўча, метро бекати, шунингдек, мамлакатимизнинг турли ҳудудларидаги маданият ва маърифат масканлари Соҳибқирон номи билан аталмоқда.

Тошкентда барпо этилган Темурийлар тарихи давлат музейи ўзининг бетакрор кўрку салобати билан нафақат юртдошларимиз, балки дунёнинг кўплаб мамлакатларидан келаётган сайёҳларда ҳам ҳайрату ҳавас уйғотмоқда. Халқаро Амир Темур жамғармаси фаолияти ва Амир Темур ордени юртдошларимизни давлатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, илм-фан, адабиёт, санъат ва бошқа соҳаларда Ватанимиз равнақига салмоқли ҳисса қўшишга руҳлантирмоқда. 2011 йили давлатимиз раҳбарининг сўзбошиси билан «Темур тузуклари»нинг мукаммал ҳолда чоп этилгани маданий ҳаётимизда муҳим воқеа бўлди.

Халқимиз Соҳибқирон таваллуд санасини ҳар йили кўтаринки руҳда нишонлайди. Шу кунларда бобомиз таваллудининг 678 йиллиги муносабати билан мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлиб ўтаётган илмий анжуманлар, тадбирлар, давра суҳбатларида мустақиллик туфайли улуғ аждодимиз хотирасини эъзозлаш, ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш, тарғиб этишга кенг йўл очилгани алоҳида қайд этилмоқда.

Анъанага кўра 9 апрел куни пойтахтимиздаги Амир Темур хиёбонида тантанали тадбир бўлиб ўтди. Унда парламент аъзолари, вазирлик ва идоралар вакиллари, ёзувчи ва шоирлар, олимлар, кенг жамоатчилик, талаба-ёшлар иштирок этди.

Халқаро Амир Темур жамғармаси раиси, Темурийлар тарихи давлат музейи директори Нозим Ҳабибуллаев, Корея Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Ли Ук Хён, Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййид, темуршунос Ҳаким Сатторий ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ўзлигимизни англаш ва миллий ғуруримизни тиклашга қаратилган ислоҳотлар жараёнида Амир Темурнинг ўлмас номи, жаҳон тараққиётига қўшган беқиёс ҳиссасини ўрганиш, бой маънавий меросидан ёшларни ватанпарварлик, миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашда кенг фойдаланиш юзасидан бетимсол ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

Бугун Амир Темур ва темурийларнинг миллий давлатчилик, илм-фан, маданият, бунёдкорлик ва бошқа соҳалардаги улкан меросини ўрганишга қизиқиш жаҳон миқёсида тобора ортиб бормоқда. Юртимизда ва хорижда темурийларнинг дунё цивилизацияси равнақига қўшган улкан ҳиссасига оид кўплаб бадиий, публицистик асарлар яратилмоқда, илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Буларнинг бари Соҳибқирон Амир Темур шахсияти ва уни етиштирган замин, тарихий шарт-шароитга доир янги-янги қирраларни кашф этишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

(Давоми 4-саҳифада).

2014 йил — Соғлом бола йили

Зарбдорлик жажжи қизалоқ Шаҳноза Сувоновани туғма суяк тизими хасталиги азоблаб келарди. У ўтган йилнинг февралида Германиянинг нуфузли клиникаларида даволаниш учун Тошкентдан жўнаб кетди. Икки йилдирки, у чет элда.

Ўн ёшли Қундузбону Баҳромова эҳтиётсизлик оқибатида қайнаб турган мой қозонга тушиб кетиб, термик куйиш жароҳати олган эди. У ҳам даволаниш учун жорий йилнинг февралида Германияга учиб кетди.

Эзгуликдан нурафшон диллар

Жиззах туманилик болакай Жаҳонгир Мамарасулов эса икки йил Германияда даволаниб, ўтган йилнинг августида қўлтиқтаёқсиз, соппа-соғ ҳолда уйига кириб келди.

Гап шундаки, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди ва Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги Германиянинг «Friedensdorf International» халқаро ташкилоти билан бундан ўн икки йил муқаддам тузган уч томонлама ҳамкорлик битими 12 ёшгача бўлган бемор ва ногирон болалар учун ана шундай имконият эшигини очди.

«Friedensdorf International» халқаро ташкилоти 1967 йили ташкил топган бўлиб, 35 дан зиёд давлатлар билан ўзаро ҳамкорлик қилади. Ҳамкорлик доирасида 12 ёшгача бўлган бемор ва ногирон болаларни 6 ойдан 3 йилгача бўлган муддатда даволаш ва реабилитация қилиш билан шуғулланади.

«Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди имконияти чекланган ва кам таъминланган оилалардаги ногирон болаларни республикамиз клиникалари ва тиббиёт марказларида ҳамда чет элда соғломлаштириш, шу жумладан, ногирон болаларни Германия клиникаларида тезкор даволаш, кам таъминланган оилалардаги юқори лаб ва қаттиқ танглайнинг туғма нуқсонлари бўлган ва оёқларнинг туғма нуқсонлари (маймоқлик), бўйин қийшайиши билан боғлиқ туғма ортопедик касалликларга чалинган болаларни тезкор даволаш, қуйиш асоратлари бўлган болаларни пластик операция қилиш йўли билан даволашни режалаштирган. Шу билан бирга, махсус дастур асосида бемор болаларни хориждаги нуфузли клиникаларда соғломлаштириш кўзда тутилган.

Биргина ўтган йили германиялик мутахассислар томонидан республикамиз вилоятларидаги 500 нафарга яқин бемор бола тиббиёт кўригидан ўтказилиб, улардан 40 нафари Германиядаги клиникаларда даволаниш учун танлаб олинди.

— Ушбу ҳамкорликнинг мантиқий давоми ўлароқ, ҳукумат Дастурига мувофиқ «Friedensdorf International» халқаро ташкилоти ходимлари Жиззах вилоятига ташриф буюришди, — дейди «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди Жиззах вилоят филиали директори Мамлакат Арипова.

(Давоми 4-саҳифада).

Янгиликлар оқимидан

ЖИЗЗАХ

Жиззах Давлат педагогика институтининг юздан зиёд талабаси Тошкентдаги А.Навоий номли Миллий кутубхонага ўз олийгоҳларида туриб аъзо бўлишди. Бундай қулайлик талабаларга Миллий кутубхона фондидаги исталган асарни электрон вариантда мутолаа қилиш имконини яратди.

МАСОФАВИЙ АЪЗОЛИК

Айтиш жоизки, институт ахборот-ресурс маркази моддий-техника базаси йил сайин мустаҳкамланиб бормоқда. Биргина ўтган йили уч мингга яқин янги адабиётлар олиниб, 74 та энг сўнгги русумдаги компютер жамланмаси интернет тармоғига уланди. Талабалар 250 дан ортиқ адабиётнинг электрон вариантидан фойдаланишяпти.

Ўз мухбиримиз

ҚАШҚАДАРЁ

Қаршидаги «Санам» тикувчилик фабрикаси масъулияти чекланган жамиятида пахта хом ашёсидан жаҳон андозаларига мос келадиган юздан зиёд турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда.

СИФАТЛИ, ХАРИДОРГИР

— Тикувчилик фабрикаси жамоаси иқтисодиётнинг барча соҳалари, хусусан, металлургия, оғир ва енгил саноат, энергетика, нефт-газ, қурилиш, транспорт, кимё, озиқ-овқат саноатлари ишчи ходимларини махсус иш кийимлари билан таъминлайди, — дейди вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ижтимоий суғурта бўлими мудири Фахриддин Қамаров. — Энг муҳими, Россия, Бирлашган Араб Амирлиги, Хитой каби мамлакатлардан олиб келинган хом ашёлардан тайёрланган маҳсулотлар эксклюзив дизайн ва юқори сифатлилиги билан харидорларга манзур бўлмоқда.

Иззат ҲИКМАТОВ

СУРХОНДАРЁ

Қумқўрғондаги Сайхон қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежида таҳсил олаётган 870 нафар ўғил-қизга 10 йўналиш бўйича таълим берилянти. Бу ерда ёшлар ўзлари танлаган мутахассислик дипломи билан бирга, автомобилларни бошқариш ҳуқуқини берадиган «С» тоифали гувоҳномага ҳам эга бўлишади.

ШАРОИТ БОР, ХОҲИШ ҲАМ

Ветеринарлар тайёрлайдиган бўлимда таҳсил олаётган ўқувчиларга назарий билим қаторида амалиёт ҳам пухта ўргатилмоқда. Молхона, қишки ва ёзги бостирмалар, жарроҳлик хонаси, уй ҳайвонлари касалликларини аниқлаш ҳамда даволаш жойи таъмирланиб, зарур жиҳозлар билан таъминлангани айни муддао бўлди.

Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва техник-механик тайёрлаш сирларини ўрганаётган ўқувчилар учун ҳам коллежда имконият етарли. Тикувчилик сирларини эгаллашга чоғланган қизларнинг билими ва тажрибаси янада кенгайиши учун арзигулик ишлар қилинмоқда. Яқинда коллежга грант асосида Германиядан 10 та замонавий тикув машинаси келтирилди.

Рустам ДАВЛАТОВ, «Ishonch» мухбири

Семинар

Хоразм вилоятда «Устав талаблари асосида фаолиятни йўлга қўйиш борасида касаба уюшма ташкилотларининг устувор вазифалари» мавзусида ўқув-семинар ташкил қилинди. Унда Таълим фан ва маданият ходимлари касаба уюшмалари тизимидаги бошланғич ташкилотлар раислари иштирок этди.

Устувор вазифалар

Семинар вилоят ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернатида яратилган санъат асарлари кўргазмаси билан танишувдан бошланди. Айниқса, ўқувчилар томонидан ясалган ҳайкалтарошлик намуналари, Ватан, табиат, она меҳри акс этган расмлар иштирокчиларда катта таассурот қолдирди. Шундан сўнг бошланғич касаба уюшма ташкилоти фаолияти билан танишилди. Касаба уюшмаси раиси Робия Ҳасанова ижтимоий шериклик тамойили асосида аъзолар манфаатини ҳимоя қилиш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида сўзлаб берди. Ҳужжатларнинг юритилиши кўздан кечирилди.

Тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Хоразм вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Муяссар Раҳимова семинарни очар экан, кейинги йилларда касаба уюшмалари тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар самаралари, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан қуйи бўғинлар фаолиятини такомиллаштиришга бўлган эътибор тўғрисида батафсил тўхталди. Шу муносабат билан бошланғичларга қатор амалий ёрдамлар кўрсатилди.

— Олиб борилаётган кенг кўламли ишлар натижасида касаба уюшма аъзолари ўз ҳуқуқ ва манфаати, бурч ва мажбуриятини тобора чуқур ҳис қилаётгани кўзга ташланмоқда, — деди М. Раҳимова. — Феврал-март ойларида бўлиб ўтган жамоа шартномалари ижросининг 2013 йилдаги якунларига бағишланган конференцияларда касаба уюшма аъзолари фаол иштирок этди. Ўтган йили вилоятда 914 та ташкилот фаолият кўрсатган бўлса, бу йил улар сафи яна 7 тага кўпайди.

Семинар асноси ўзаро тажриба алмашув иштирокчилар учун айни муддао бўлди.

Муҳаббат ТЎРАБОЕВА, «Ishonch» мухбири

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик

Маҳсулотнинг асосий қисми экспорт қилинади

Сирдарё вилояти Бахт шаҳрида трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Бек-текс» масъулияти чекланган жамияти иш бошлади.

Президентимиз раҳнамолигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, қулай ишбилармонлик муҳити яратиш борасида олиб борилаётган кенг кўламли чора-тадбирлар самарасида кўплаб янги корхоналар, ишлаб чиқариш объектлари бунёд этилмоқда.

Мазкур корхона қурилишига «Микрокредитбанк» вилоят филиали томонидан 665 минг АҚШ доллари миқдорида кредит ажратилди.

— Маҳсулотларимиз сифати ва дизайни жиҳатидан ҳеч бир хорижникидан қолишмайди, — дейди корхона дизайнер-модельери Ксеня Насеткина. — Моделларни танлашда хорижнинг шу турдаги маҳсулотларини чуқур ўрганганимиз қўл келмоқда.

Замонавий тарзда жиҳозланган корхона кунига 5 минг донадан ортиқ эркаклар, аёллар ва болалар кийимлари ишлаб чиқариш қувватига эга. Маҳсулотнинг 90 фоизи экспортга йўналтирилади.

«Бек-текс» МЧЖ ишга тушиши билан 300 нафар хотин-қизнинг бандлиги таъминланди. Уларнинг 100 нафари касб-ҳунар коллежини битирган ёшлардир.

А.МУСТАФОҚУЛОВ, ЎзА мухбири

«Касаба-тур — 2014»

Икки йилдирки, корхона, ташкилот ва муассасаларда фаолият кўрсатаётган ходимлар ва уларнинг оила аъзолари ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, спорт билан шуғулланишга кенг жалб этиш, велоспортнинг оммавийлигини ошириш мақсадида «Касаба-тур» веломарафони ўтказиб келинмоқда. Соғлом бола йилида ташкил этилаётган мусобақаларга қизиқиш янада кучайганлигига гувоҳ бўлиб турибмиз.

БУ ЙИЛ БОШҚАЧА

Навбаҳор, Қизилтепа, Хатирчи, Нурота ва Конимех туманларидаги спорт мажмуаларида 500 нафардан ортиқ ҳаваскор ўз имкониятини синовдан ўтказиб олди.

Веломарафонни ўтказиш бўйича ҳар бир туманда ишчи гуруҳ тузилиб, низом асосида мусобақа ташкил этилгани унинг нуфузини оширди. Қатнашувчиларнинг саломатлиги ва хавфсизлигини таъминлаш борасида чора-тадбирлар белгиланиб, иштирокчиларнинг соғлом эканлиги қатъий назоратга олинди, йўл ҳаракати хавфсизлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Айниқса, 35 ёшдан юқори бўлган ҳаваскор велоспортчиларнинг ғолиблик учун интилишлари, уларда ушбу спорт турига иштиёқ баландлиги мухлисларга завқ-шавқ бағишлади.

Мазкур мусобақанинг вилоят босқичида ҳар бир тумандан 12 нафардан спорт ихлосманди қатнашди. Жорий йилнинг 18 апрел куни Навоий шаҳридаги Ёшлар спорт мажмуасида туман босқичи ғолиблари беллашади.

Норимхол НУРМОНОВА, Навоий вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг бўлим мудири

ЗАВҚ-ШАВҚ БАҒИШЛАДИ

Соғлом турмуш тарзини шакллантиришда, ходимлар соғлиғини мустаҳкамлашда велоспортнинг ўрни бўлакча. Мақсадлар рўёби эса мусобақалар давомида иштирокчилар қизиқиши ва кайфиятида ўз аксини топмоқда.

Сирдарё вилоятида велоспорт мусобақаларининг дастлабки икки босқичи якунланиб, унда соғлиқни сақлаш, таълим, фан ва маданият ходимлари, шунингдек, Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари, алоқа, давлат муассасаларидан 350 нафардан ортиқ ҳаваскор иштирок этди. Ёшлар ва аёллар иштироки, айниқса кўпчиликда қизиқиш уйғотди.

Мусобақа ғолибларига касаба уюшмаларининг эсдалик совғалари ва дипломлари топширилди.

Айни кунларда нуфузли тадбирнинг вилоят босқичига тайёргарлик кўрилмоқда.

Озода МАМАДАЛИЕВА, «Ishonch» мухбири

Саломатликнинг қадри беқиёс. Соғлом кишигина жамиятга ва оиласига керагича фойда келтира олади. Инсон учун бебаҳо неъматни асраб-авайлашда жисмоний тарбиянинг аҳамияти катта. Самарқанд вилоятида фаолият юритаётган 62 та ташкилот, корхона ва муассасаларда бўлиб ўтган «Касаба-тур» мусобақалари 800 дан ортиқ меҳнаткашни жалб этди. Айни чоғда мусобақаларнинг туман босқичлари янада қизғин ва шиддатли тус олди.

БАРДАМЛИК СИНОВИ

Касби ўқитувчи бўлган Собир Искандаров қарийб йигирма беш йилдан буён велосипед бошқаради. Иш-у, бошқа юмушларда ҳам унинг беминнат хизматидан фойдаланишга одатланган. У ҳам кўплаб жомбойликлар қаторида жамоат ташкилоти томонидан ташкил этилаётган веломарафонга ташриф буюрди.

Марказий ўйингоҳда 107 нафардан ортиқ велосипедчи «Ким кучли, ким эпчил» деган саволга ойдинлик киритиш учун баҳсга киришди. Учрашувда таълим тизими ходимлари бошқа касб вакилларидан ҳар жиҳатдан устун эканликларини намойиш этишди. Соҳада меҳнат қилаётган Хуршид Сайфуллаев, Шокир Рўзиев, Собир Искандаров, Фаррух Сафаров ғолиблар сафидан жой олишди.

— Муҳими ғалаба эмас, — дейди Собир Искандаров. — Мусобақадан кўзланган мақсад — саломатлик. Сафимиз ўтган йилдагидан анчага кўпайибди. Ташкилотчилар сай-ҳаракати туфайли велоспортга қизиқувчилар сони кундан-кунга ошаётганидан хурсандман.

Ғолиблар касаба уюшмалари туман кенгашларининг махсус совринларига эга бўлишди. Бир неча номинация ғолиблари ҳам аниқланди.

Нурилла ШАМСИЕВ, «Ishonch» мухбири

Ishonch
2014-yil 10-aprel № 45 (3394)

Бошланғичда нима гап?

— Жамоа аъзоларининг аҳиллиги ва уюшқоқлиги кўп жиҳатдан касаба уюшма етакчисининг ташкилотчилиги ҳамда ишнинг қай даражада ташкил этишига боғлиқ, — дейди Жиззах шаҳридаги 22-умумтаълим мактаби касабақўм раиси Феруза Пардаева. — Марҳабо Алиева, Диёр Турсунов ва Азиза Қобилова каби фаолларимизнинг тиниб-тинчимаслиги, жонкуярлиги ва жамоа билан ҳамкор-ҳамдардлиги муваффақиятларимиз омили бўлаётир.

Ҳамжиҳатлик самараси

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг «Кўчат экиб, боғ яратайлик» шиори остида республикамиз аҳолисига қилган Мурожаати туфайли теварак-атрофни ободонлаштириш, боғ-роғлар барпо этиш ҳамда кўкаламзорлаштириш ишлари янада жонлантириб юборилди. Спорт зали, болалар ўйин майдончалари ва кутубхона таъмирланиб, қайта жиҳозланди.

Айни кунда фан кабинетлари, бадиий гимнастика зали, ўйингоҳларни саранжом-саришта сақлаш, турли мевали ва манзарали дарахтлар ўтказиш, гулзорлар барпо этиш учун катта сафарбарлик ишлари олиб борилмоқда. Эрта баҳорда 800 туп манзарали, 300 туп мевали дарахт, бир неча минг гул кўчатлари ўтказилди. Ҳашар йўли билан йўлкалар текисланиб, асфалт ётқизилди.

940 нафар ўқувчи таълим-тарбия олаётган ўқув даргоҳида математика, кимё, биология, инглиз тили каби фанлар чуқур ўргатилади. Ўқувчилар «Сиз тарихни биласизми?», «Конституция — бахтимиз пойдевори» каби кўрик-танловларда, шунингдек, «Ўзбекистон — мустақил диёр» мавзуида ўтказилган расмлар танловида республика миқёсида фахрли ўринларни эгаллашди.

«Кино ҳаваскорлари» тўгараги аъзолари шу кунгача 29 та қисқа метражли филмни суратга олишди. Ушбу филмларнинг 18 тасига республика «Сехрли ёғду» болалар кинофестивалида совринли ўринлар берилди.

Ўқув даргоҳининг 65 нафар педагог ва тарбиячилар жамоаси доимо изланишда. Мана шу саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ «АЙРЕКС» номли халқаро грант ғолиблиги насиб этди. Мактабда АҚШ ва Буюк Британия давлатларининг Ўзбекистондаги элчихоналари томонидан инглиз тилидаги китоблар кутубхонаси ташкил этилди. «Мактаб — оила — кутубхона ва жамоат ташкилотлари» хайрия марафонига БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳам қўшилди ва мактаб кутубхонасидаги китоблар сони яна 500 нусхага кўпайди.

Болаларни спортга кенг жалб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўтган ўқув йилида Азиза Очилова тенгдошлари орасида республика шахмат мусобақасида биринчиликни эгаллаб, Польшада ўтказиладиган халқаро мусобақага йўлланма олди. Спортнинг каратэ, бокс, таэквондо, қўл жанги турлари бўйича Жамолиддин Ўктамов, Ҳасан Ҳамдамов, Малика Қурбонова, Анвар Каримов каби ўқувчилар халқаро мусобақаларда иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллашди.

«Йил кутубхоначиси» республика танлови иштирокчиси Ҳулкар Муродованинг китобхонлар билан ўтказган «Китоб — ақл қайроғи», «Биз — ягона Ватан фарзандларимиз», «Наврўз — миллий қадриятимиз» мавзуларидаги суҳбатлари барчада яхши таассурот қолдирди. «Касабақўм» деворий газетаси Бахтинисо Худойбердиеванинг жонкуярлиги туфайли тобора қизиқарли бўлиб бораётир.

Қўмита аъзолари эҳтиёжманд ходимларнинг хонадонларида бўлиб, уларнинг турмуши билан яқиндан танишган ҳолда, имкон даражасида кўмаклашмоқда.

Ўқув даргоҳи ўтган йили вилоятда «Энг намунали бошланғич ташкилот» номинацияси бўйича ғолибликни қўлга киритди. Бу ютуқда тиниб-тинчимас бошланғич касаба уюшма ташкилоти раиси, олий тоифали педагог Феруза Пардаеванинг муносиб ҳиссаси бор, албатта.

Абдулла САИДОВ,
Жиззах вилояти

Суратда: Феруза Пардаева фаоллар даврасида.

Матбуот анжумани

O'ZBEKISTON MILLIY MATBUOT MARKAZI
NATIONAL PRESS-CENTRE OF UZBEKISTAN

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Кафолат» давлат-акциядорлик суғурта компанияси томонидан ташкил этилган матбуот анжуманида асосий эътибор халқ фаровонлигини янада яхшилашда шахсий суғуртанинг ўрни ва аҳамияти масалаларига қаратилди.

Хизмат турлари кенгаймоқда

Маълумки, мамлакатимизда кейинги пайтларда суғурта бозори иштирокчилари фаолияти учун кенг имкониятлар яратилиб, тегишли қонунчилик базаси шакллантирилди. Шунингдек, «Суғурта фаолияти тўғрисида», «Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида» ва «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги қонунлар қабул қилинди. Мазкур ҳужжатлар ижроси миллий суғурта бозорининг барқарорлиги ва ишончлилигини мустаҳкамлаш, мажбурий суғуртанинг самарали тизимини шакллантиришга хизмат қиляпти.

«Кафолат» давлат-акциядорлик суғурта компанияси мамлакатимиз суғурта хизматлари бозорида ишончли ва барқарор фаолият кўрсатиб келмоқда. Компания мамлакатимиз бўйлаб ихтиёрий тиббий, ипотека суғуртаси, банклар ва банк ишини, экспорт шартномаларини комплекс суғурталаш, ижарадаги кўчмас мулкни суғурталаш каби 80 дан ортиқ турдаги хизматлар кўрсатяпти.

— Ҳаётни суғурталаш кенг тарқалган суғурта турларидандир, — дейди стратегик ривожлантириш ва маркетинг бошқармаси бош менежери Рустам Райимжонов. — Аҳолини, жумладан, мактабгача ва мактаб ёшидаги болаларни бахтсиз ҳодисалардан, юқумли касалликлардан, кредит олганларни, шунингдек, хорижга кетаётган шахсларни суғурталаш каби йигирмадан зиёд шахсий суғурта хизматини тақдим этиб келяпмиз.

Ўтган йилда шахсий суғурта турлари бўйича қарийб 253 мингта шартнома имзоланиб, 1,8 миллиард сўмдан зиёд суғурта пули кирим қилинди. Компания томонидан ушбу йўналишда олинган мажбурият қиймати 1 триллион сўмни ташкил этди. Жисмоний шахсларнинг 1900 дан ортиқ аризаси қисқа муддатларда кўриб чиқилиб, улар бўйича 426 миллион сўмдан зиёд маблағ тўланди.

Анжуманда таъкидланганидек, жорий йилда «Соғлом бола йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижроси доирасида «Болажон», «Саломатлик» ва «Оилавий» каби янги суғурта турлари амалиётга кенг жорий этилаётир.

Тадбир сўнгида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Нарзулла МАҲАМОВ,
«Ishonch» мухбири

Етакчи минбари

Улкан режаларни амалга ошириш кўп жиҳатдан баркамол авлод зиммасида. Шундай экан, мутахассис кадрлар тайёрлаш эртамиз учун муҳим аҳамиятга эга эканлигини чуқур ҳис этган ҳолда фаолият юритсак, мақсадга албатта эришамиз.

Эътиборга муносиб жавоб

1059 нафар ўқувчи 9 йўналиш бўйича таълим олаётган коллежимизда маъмурият билан касаба уюшма қўмитаси ўртасида имзоланган жамоа шартномасига асосан ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатлари тўла ҳимояланган. Шу боисдан ўқувчиларнинг касб сирларини мукаммал ўзлаштириши, малакали мутахассис бўлиб етишиши учун назарий ва амалий машғулотлар талаб даражасида олиб борилмоқда.

Энди касаба уюшма ташкилотимиз тўғрисида тўхталсам. Кейинги 2-3 йилда фаолиятимизда туб ижобий ўзгаришлар юз берди. Бошланғич ташкилот ҳисобида қолдириладиган маблағ миқдорининг оширилиши, аёллар ва болаларга эътиборнинг кучайтирилгани, коллеж битирувчиларини ишга жойлаштиришга кўмаклашиш, оммавий спортни тарғиб қилиш, томорқадан олинадиган даромадларни оширишга ёрдамлашиш каби жиҳатлар касаба уюшмалари обрў-эътиборини ошириш билан бирга, сафимизни янада кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Санаторийларда саломатлигини мустаҳкамлаётган ходимлар сони кўпаймоқда. Касаба уюшма маблағи ҳисобидан кам таъминланган 5 нафар ходимнинг фарзандлари «Ёшлик» болалар соғломлаштириш оромгоҳида бепул дам олдирилди. Худди шундай оилаларнинг 6 нафар коллеж битирувчисига энг кам иш ҳақининг 25 фоизи, 4 нафарига эса 50 фоизи миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди. Эҳтиёжманд оилаларнинг 36 нафарига, ногирони бор оилаларга совғалар топширилди. Байрамларда касаба уюшма фаоллари рағбатлантирилмоқда. Ўтган ўқув йилида битирувчиларимизнинг 339 нафари корхона, ташкилот ва муассасалар билан тузилган уч томонлама шартномага асосан ишга жойлашган эди. Бу йил 460 нафар йигит-қиз ўқишни битиради. Айни пайтда улар жойларда амалиёт ўташяпти. Эътиборли жиҳати, ҳозирда битирувчилардан тадбиркорлик билан шуғулланишни танлаганлар 25 нафардан ошди. Ҳукуматимиз томонидан белгиланган имтиёзлар асосида банкдан бериладиган кредитларни расмийлаштиришга, уларга йўл-йўриқ кўрсатиш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилаётир.

Дарвоқе, фаолиятимизни давр талаби даражасида ташкил этишда тармоқ касаба уюшмаси туман кенгашининг кўмаги катта бўлаяпти.

Мехринисо АБДУЛЛАЕВА,
Пешку қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси

СОВҒАБОП, ЧУНКИ СЕРЖИЛО...

Фарғона вилояти Қўштепа туманида ўтган йилдан буён фаолият кўрсатаётган «Марғилон ипак гиламлари» масъулияти чекланган жамияти харидоргир маҳсулотлари билан истеъмол бозорида ўз ўрнини мустаҳкамламоқда.

Юздан зиёд хотин-қиз меҳнат қилаётган корхонада пилла хомашёси қайта ишланиб, ипакдан тайёрланаётган ва табиий бўёқлар билан жило берилган совғабоп гиламлар барчага манзур бўлаётир. Айни пайтда корхона маҳсулотларни ташқи бозорга чиқаришни ҳам мўлжалламоқда.

Суратларда: ишчилар — Ҳавохон ва Садоқат Боймирзаева; (чапдан) Моҳия Турсунова, Ҳамида Султонова ва Одина Ашуралиевалар иш устида.

Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар

Ўқув

Қашқадарё вилоятида яхши анъана йўлга қўйилган. Яъни, касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси бир ой давомида ҳар бир туман ва Қарши шаҳрида ўқув-тренинг ташкил этмоқда.

Назариядан амалиётга

Фаолларга иқтисодий, маърифий ва ҳуқуқий билимлар бериш, касаба уюшмалари фаолиятини юритиш бўйича амалий ёрдам кўрсатишга қаратилган ўқувнинг навбатдагиси Китоб туманида ўтказилди. Ўқув аввалида вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раисининг ўринбосари Исоқ Аҳмедов 2013 йил якунлари ҳамда 2014 йилги устувор вазифалар тўғрисида атрофлича тўхталиб ўтди.

Шундан сўнг, бирлашма кенгашининг бўлим мудири Ф.Маҳмудовнинг «Ўзбекистон касаба уюшмалари тизимидаги бошланғич ташкилотлар фаолиятини такомиллаштириш дастури» ижроси ва Соғлом бола йилида амалга оширилиши лозим бўлган йўналишлар ҳақидаги маърузаси тингланди. «Молиявий масалаларда амалдаги меъёрий ҳужжатларга риоя этиш, касаба уюшма ва ижтимоий суғурта маблағларидан самарали фойдаланиш, ходимлар ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш», «Меҳнатни муҳофаза қилиш масалаларида жамоатчилик назоратини ташкил этиш»га оид маърузалар ҳам етакчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Ўқув-тренинг савол-жавоб тарзида ташкил этилди.

— Барча туман ва вилоят марказида ўтган ўқувларда касаба уюшма фаоллари, иш берувчиларнинг ходимлар бўйича нозирлари, меҳнат муҳофазаси вакиллари ҳамда ҳуқуқшунослари қатнашди, — деди Файзулла Маҳмудов. — Мавзуларнинг долзарблиги ўқувларнинг жонли ўтишини таъминлади. Айниқса, Халқаро Меҳнат Ташкилотининг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган Конвенцияларини амалга ошириш борасидаги вазифалар, меҳнат қонунчилигига киритилган ўзгартишлар юзасидан маълумотлар йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди.

Акмал АБДИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасида экологик муҳит барқарорлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишларга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Экологик хавфсизлик йўлида

Пойтахтимизда мазкур йўналишдаги чора-тадбирларни белгиланган муддатларда амалга ошириш юзасидан изчил ишлар олиб борилмоқда. Саноат корхоналарида чиқиндисиз технологияларни жорий қилиш, оқаваларни тозалаш жараёнини такомиллаштириш, автотранспорт воситаларини соф ёнилғига ўтказиш борасида қатор лойиҳалар амалиётга татбиқ этилмоқда.

Анжуманда экологик қонунчиликнинг бажарилишини таъминлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, экологик хавфсизликни таъминлаш, ер, сув ва бошқа табиат неъматларига салбий таъсир кўрсатишнинг олдини олиш, аҳоли орасида экологик тарғибот ишларини ташкил этиш, экологик таълимни такомиллаштириш масалалари хусусида фикр юритилди.

Шаҳарда янги боғлар, яшил ҳудудлар барпо этиш, маҳаллаларни янада ободонлаштириш ишлари изчил йўлга қўйилган бўлиб, ҳар шанба тозалик куни деб эълон қилинган.

Табиат бойликларини асраш, экологик муҳит барқарорлигини таъминлаш билан боғлиқ ишлар ўз самарасини бераётир. Кейинги йилларда ҳавога чиқарилаётган ва сувга оқизилаётган чиқиндилар миқдори кескин камайди.

Матбуот анжуманида журналистларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб берилди.

Адҳам АРСЛОНОВ,
«Ishonch» мухбири

Ижтимоий шериклик

«Иш берувчи ҳам касаба уюшма аъзоси»

— дейди «Бектемир-спирт экспериментал заводи» очиқ акциядорлик жамияти касаба уюшма қўмитаси раиси Татъяна ОБОЛЕНСКАЯ

Маъмурият ва касаба уюшма ташкилоти ўртасида тузилган жамоа шартномаси фақат ходимлар манфаатига хизмат қилмай, иш берувчининг бошқариш ишларида ҳам ишончли қўлланмадир. «Бектемир-спирт экспериментал заводи» ОАЖ касаба уюшма қўмитаси фаолияти билан танишгач, бунга яна бир бор амин бўлдик. 2007 йилда ташкил этилган ушбу корхонада бугунги кунда 190 нафар ходим меҳнат қилмоқда.

Маълумки, меъёрий ҳужжатда ижтимоий имтиёзлардан ташқари иш вақти, маҳсулот сифати, корхона мулки, пул ва ашёвий бойликларни авайлаб-асраш, меҳнат муҳофазасига риоя қилиш каби кўплаб масалаларга жиддий эътибор қаратилади. Интизомни бузган ходим қонун доирасида жавобгарликка тортилиши белгилаб қўйилган. Дейлик, ишчи яроқсиз маҳсулот ишлаб чиқаришга йўл қўйди. Бу хатони у ишдан ташқари вақтда ишлаб, ўз ҳисобидан тўғрилашга мажбур.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, меҳнаткашларга тўланадиган ойлик маош, мукофот, умуман, жамоа шартномасида назарда тутилган барча ижтимоий-иқтисодий кафолатларни амалга ошириш корхонанинг молиявий имкониятига боғлиқ.

— Иш берувчи ҳам касаба уюшма аъзоси. Жамоа шартномасида назарда тутилган талаб ва имтиёзлар унга ҳам бевосита тааллуқли. Имтиёзларни қўллаш учун маблағимиз етарли бўлиши даркор. Бу эса ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг ҳажми ва сифатига бевосита боғлиқ. Шу боисдан корхона раҳбарининг талабчанлигини биз тўғри баҳолай олишимиз зарур, — дейди ОАЖ касаба уюшма қўмитаси раиси Татъяна Оболенская.

Иш берувчи ва касаба уюшма қўмитаси ҳамкорлигида ходимларнинг меҳнат вазифаларини бажариш пайтида белгиланган тартиб ва интизомларга риоя қилишлари қатъий назоратга олинган. Заводдаги мавжуд барча техника, дастгоҳ ва ускуналардан тартибли ва талаб доирасида фойдаланиш ҳамда уларни тўғри ишлатишни йўлга қўйиш мақсадида цехларга тез-тез мутахассислар чақиртирилиб, суҳбатлар ўтказилади, тушунтириш ишлари олиб борилади. Айни пайтда меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникасини таъминлаш бўйича олти нафар вакил жамоатчилик асосида фаолият олиб бормоқда. Ҳар беш йилда тегишли тартибда иш ўринлари аттестациядан ўтказилади. Унинг хулосасига кўра, меҳнаткашларга иш жойларининг ноқулайлик даражаси ҳисобга олинган ҳолда тариф ставкасининг 4 дан 12 фоизига қадар ойлик маошларига қўшимча ҳақ тўлаб борилади. Шу билан бирга, уларга махсус кийим-бош, иш қуроллари, маиший ва шахсий гигиена воситалари олиб берилиб, қулай меҳнат шароити яратишга доир бошқа тадбирлар амалга оширилади.

Бундан ташқари, йилда бир марта барча ходим корхона ҳисобидан тиббий кўрикдан ўтказилади. Кўрик натижаларига кўра, касб касаллигига чалинган ва бажараётган иши соғлиғига тўғри келмайдиган шахслар бошқа ишга ўтказилиб, бундай ҳолларда меъёрий ҳужжатда белгиланганидек, уларнинг ойлик иш ҳақи олдингисидан кам бўлмаслиги тўлиқ таъминланади.

Мавжуд қонунчилигимизга биноан ҳар қандай корхона, ташкилот, муассаса меҳнаткашларнинг ҳаёти, соғлиги ва хавфсизлиги учун жавобгар. Шу боисдан ҳам маъмурият ва касаба уюшма органлари ишчи-хизматчилар ҳаёти ва соғлигини суғурталаб қўйиши шарт. Айнан шу талабларни инобатга олган ҳолда жамоа шартномасида меҳнат вазифасини бажараётган вақтда кутилмаган кўнгилсиз ҳодиса рўй бериб, ходим соғлиғига жиддий зарар етказилганда ёки меҳнат лаёқатини йўқотган тақдирда бир маротаба бир йиллик ойлик маош миқдорида нафақа тўлаб берилади. Шунингдек, иш жараёнида кутилмаган фалокат натижасида вафот этган ходимнинг оиласига олти йиллик иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда товон тўланиши назарда тутилган.

Меҳнаткашлар билан биргаликда уларнинг фарзандларини соғломлаштиришга катта эътибор қаратилган. Ёзги мавсумда болалар оромгоҳларига бериладиган йўлланмалар умумий нархининг 30 фоизигача корхона ҳисобидан қоплаб берилади. Шунингдек, болаларга ҳар янги йил байрамида театр томошаларига, вақти-вақти билан цирк, ҳайвонот, маданият ва истироҳат боғларига чипталар олиб бериш яхши анъанага айланган. Ходимларнинг сиҳатгоҳларда соғликларини мустаҳкамлаш учун йўлланмалар олиш ҳақида берган ёзма аризалари ҳам имконият даражасида қаноатлантирилади.

Касаллик варақаларида бўлган шахсларга жамоа шартномасига илова қилинган заводнинг махсус низоми асосида ҳақ тўлаб борилади.

Жамоа шартномасига кам таъминланган, ногирон, уруш ва меҳнат фахрийларини қўллаб-қувватлаш бўйича ҳам алоҳида бандлар киритилган. Юбилей ёшига тўлганларга қимматбаҳо совғалар тақдим этилади. Пенсияга чиқаётган шахсларга бир ойлик маош миқдорида моддий ёрдам ажратилади. Ходимнинг оилавий шароити ҳисобга олинган ҳолда яқинлари оламдан ўтганда ёки тўйлари муносабати билан уч кунлик иш ҳақи сақланган меҳнат таътили берилади. Корхонанинг молиявий имкониятидан келиб чиқиб, энг кам ойлик иш ҳақининг 3 дан 10 бараварига қадар моддий ёрдам кўрсатилади. Хонадони ёнғин ёки шунга ўхшаш бошқа офатлардан зарар кўрган ходимларга ҳам энг кам ойлик иш ҳақининг 10 бараварига қадар моддий ёрдам ажратиш назарда тутилган.

Барча ходимларга йилда бир марта қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиб олиши, ҳар ойда овқатланиш ва йўлкира пуллари учун моддий ёрдам бериб турилади. Шу билан бирга, йил давомидаги барча байрамларда ходимларга тегишли миқдорда пул мукофоти бериб борилади.

Штат қисқариши ёки бошқа ҳолатларда ходим билан меҳнат муносабати бекор қилинганда, айрим сабабларга кўра корхона томонидан ходимлар мажбурий таътилга чиқарилганда касаба уюшма қўмитаси розилигини олиш шарт эканлиги белгилаб қўйилган. Жамоа шартномасидаги иш вақтига оид бандлар ҳам ниҳоятда пухта ишлаб чиқилганлигини таъкидлаб ўтиш даркор. Иш вақти ҳафтасига 40 соат қилиб белгиланган. Айрим цех ва бўлимларда ишлар сменали тарзда йўлга қўйилган бўлиб, унинг жадвали маъмурият ва касаба уюшма қўмитаси билан ҳамкорликда тузилган. Бунда ходимларни кетма-кет сменали ишга жалб қилиш қатъий тақиқланади. Иш тугагандан кейинги ва иш бошланиши оралиғидаги вақт 12 соатдан кам бўлмаслиги шартли асосларда белгилаб қўйилган. Меҳнат қонунчилиги талаблари доирасида иш берувчи ходимнинг аризасига кўра, унга тўлиқсиз иш вақти жорий қилиш ҳуқуқига эга.

Дилором АЛЛАҚУЛОВА,
«Ishonch» мухбири

10 апрел — Абдулла Қодирий таваллуд топган кун

Бу китобни балки юзинчи бора ўқиётгандирман. Яна юзинчи бор юрагим сўз сеҳридан тўлқинланиб-тўлқинланиб мавжланаётган, руҳим эса қувватланиб таскин топаётгандир. Нима бўлганда ҳам бу китобни топган кунимдан буён у менинг руҳий сирдошим. Айниқса, «ёлғиз қолган кезларимда» ундан бош кўтара олмайман. Негаки, бу китобда одам ўзининг чин инсонийлик ҳолатини кўргай.

Қаламидан нур томган...

Халқимизга хос юксак маънавият акс этган ушбу китоб Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» романидир. Унда инсон кўнглига яқин шундай мусиқий оҳанг борки, ўқувчи қалбидаги инжа туйғулар беихтиёр жилоланиб, юракларни шавққа тўлдиради.

Асар қаҳрамонлари ҳатто сўзламай туриб, сирлар айтишади. Шу боис эзгуликка, муҳаббатга ва яна ҳақиқатга ташна қалб борки Қодирийга интилади, унинг сўзидан «шифо» топади, сўзнинг қудратидан қалблари нур ва зиёга тўлади. Севикли адибнинг асарларини ўқиганинг сайин қалбан унга боғланасан, кўнглинг маърифатдан нурланади.

«Ўткан кунлар»нинг маъно-мундарижаси ниҳоятда кенг бўлиб, унда ижтимоий муаммолар билан бирга, маънавий муаммолар ҳам қаламга олинган. Асар халқимиз маънавияти ва тарихининг тиниқ бир кўзгуси сифатида муайян тарихий шароит, эл-юртнинг аҳвол-руҳияти, маънавий дунёси, қиёфаси ҳақида маълумотлар беради. Айниқса, халқимизга хос гўзал урф-одатлар, оила қуриш, рўзғор тутиш, меҳмон кутиш, эр-хотин, ота-бола муносабатлари, тў-ю аза, ҳар хил мажлислар, қувончли, завқли дамлар, драматик-фожиавий воқеалар ўта шахсий кечинмаларда ҳам маҳорат билан акс эттирилади.

Қодирий ҳазратлари асарда пок муҳаббатни ўзига хос гўзал ва кўнгилга яқин услубда тараннум этади. Шу боис Кумушбибининг ялт этган нигоҳларидан, Отабекнинг кўзини тўлдириб қарашларидан ўқувчи фикрига учқунлар сочилади. Севимли адибимиз Отабек ва Кумушбибини ўзининг тафаккур гулшанида юксалтириб, эзгу орзулари ва гўзал муҳаббати чўққисида улғайтириб, ташна қалбларда соф севги тимсоллари сифатида баланд тутади.

Ўқитувчи сифатида айтаманки, ёшлар онгида тарихий ҳақиқатни шакллантиришда, улар қалбида она халқига муҳаббат, ўзбекона ахлоқ-одоб ва расм-русумларни авайлаб-асраш, нафосатини намоён этиш, муҳаббатни қадрлаш каби туйғуларни тарбиялашда ушбу асарнинг ҳиссаси катта.

Асарда яхши одамлар қалбидаги заковат ва саховат, улар орасидаги меҳр-эҳтиром, муҳаббат, самимият, севги-садоқат, фидойилик туйғулари шу қадар самимий тасвирланганки, ўқиб халқимиз маънавияти нақадар юксак бўлганига яна бир карра амин бўласан киши. Романда ўтмишдаги улуғ алломалар, сўз санъаткорлари номи ҳурмат билан тилга олинади. Асар қаҳрамонларининг «Бобурнома» ва Фузулий ғазалларига меҳри, гўё уларнинг маърифат даражасини ҳам белгилаб бераётгандек.

Шу боис ўқувчиларимни адибнинг гўзал руҳий оламига бошлаб киришни ўзимнинг бурчим деб биламан. Романнинг энг гўзал, кўнгилга яқин бобларидан уларга парчалар ўқиб бераман. Асар қаҳрамонлари ҳақида сўзлаб, ҳатто уларга қўйилган исмларни ҳам ўзимча шарҳлайман: Мирзакарим қутидор хонадони тасвири... Юсуфбек ҳожининг маънавияти, Офтобойим ва Қумушбиби, Ўзбекойим ва Зайнабнинг фазилату қусурларидан ўқувчиларни хабардор қиламан.

Адиб Кумушбиби образи орқали аёл руҳиятининг нақадар нафислигини етук тарзда талқин этади. Тарбия кўрган ажойиб қалб соҳибаси бўлган Кумушбиби Отабекнинг ота-онаси қистови билан иккинчи маротаба уйланмоқчилигини эшитганидаги ҳолати, кўнгли йиғлаб турсада, юзида фаришта мисол табассум балқиб эрига розилик бериши, унинг нақадар бой тафаккур соҳибаси эканлиги, қалб жавҳари тозалигидан далолат эканлигини ўқувчиларимга етказишга интиламан. Юсуфбек ҳожидек ориф зотнинг Отабекка бу гапни қанчалик масъулият ва дард билан айта олмай қийналганини изоҳлашга уриниб кўраман. Яна Ўзбекойим табиатидаги зиддиятларга қарамай ўзбекнинг мағрур, танти онаси эканлигини мисоллар билан очиб бераман. Шогирдларимга бу образлар ҳақида маълумот берарканман, улар қалбида миллий қадриятлар, урф-одатларимизга ҳурмат уйғотишга ҳаракат қиламан. Бу саъй-ҳаракатларим ўз самарасини бериб, шогирдларим адиб асарларини ўзимдан-да кучли меҳр ва ихлос билан ўқиб-ўрганиб, ҳаётий хулосалар чиқаришаётганидан астойдил қувонаман.

Абдулла Қодирийнинг гўзал лирика билан йўғрилган асарларини сиз ҳам яна бир ўқиб, ундан маънавий завқ олишингизни истаб қоламан. Зеро, шарқшунос олим Бертельс айтганидек, дунёда бешта, яъни француз, рус, инглиз, немис ва ҳинд романчилиги мактаблари бор эди, Абдулла Қодирий олтинчисини, яъни ўзбек романчилик мактабини яратиб берди.

Шоира РАУПОВА,
Тошкент шаҳридаги 64-мактабнинг она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси

Фаровонлик сари

Мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ислоҳотларнинг устувор йўналишларидан бири — бу кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришдир.

Молиявий кўмак
унга кўп нарса боғлиқ

Халқаро андоза талабларига мос равишда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун эса ривожланган хориж давлатларининг ишлаб чиқариш технологиялари зарур бўлади, албатта. Лекин ишлаб чиқариш дастгоҳларини ҳар ким ҳам ўз маблағи ҳисобидан харид қилиш имконига эга эмас. Бунда кичик бизнес субъектларининг яхши инвестицион лойиҳалари ҳорижий кредит линиялари ва банклар маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида бизнесни молиявий қўллаб-қувватлашда хорижий кредит линиялари маблағларини банклар орқали реал секторга жалб қилиш ҳисобига кичик ишлаб чиқаришни ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банки «Агробанк», «Ўзсаноатқурилишбанк», «Асакабанк», «Ипотека-банк», «Ипак йўли» банки ва «Ҳамкорбанк» томонидан кичик бизнес субъектларининг инвестицион лойиҳаларини молиялаштириш учун хорижий кредит линиялари жалб қилинган.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредитлар бериш механизмини янада такомиллаштириш ва уларнинг ҳажмини ошириш, биринчи навбатда, инвестиция мақсадларига, бошланғич сармояни шакллантиришга кредитлар ажратиш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ҳамда технологик янгилаш учун ўрта ва узоқ муддатли кредитлар бериш билан бевосита боғлиқ.

Тадбиркорлик мамлакатнинг нафақат ялпи ички маҳсулотини шакллантиришда асосий бўғин, балки аҳоли бандлиги ва даромадлари манбаининг такомиллашуви, шунингдек, миллий фаровонликка эришишнинг муҳим омили ҳамдир.

Ваҳобжон ЭГАМБЕРДИЕВ,
Тошкент банк коллежи ўқитувчиси

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ, КОРХОНАЛАРИ ВА КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ 22-СОН ҚУРИЛАЁТГАН КОРХОНАЛАР БИРЛАШГАН ДИРЕКЦИЯСИ»
ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Объектлар номи:

1. «Фарғона вилояти Бешариқ туманидаги «Марказий» (1-навбат) хўжаликлараро коллекторини тизимли таъмирлаш ва тиклаш ишлари (L=130,862 км)».

Бошланғич нархи — **1 323 587 256 сўм ҚҚС киз.**

Топшириш муддати — **12 ой.**

2. «Фарғона вилояти Ўзбекистон туманидаги «ЖК-4-1» хўжаликлараро коллекторини тизимли таъмирлаш ва тиклаш ишлари (L=116,32 км)».

Бошланғич нархи — **1 444 502 506 сўм ҚҚС киз.**

Топшириш муддати — **31.12.2014 й.**

Буюртмачи: Фарғона вилояти 22-сон қурилаётган корхоналар бирлашган дирекцияси.

Манзил: Фарғона шаҳри, Ал-Фарғоний кўчаси, 92-уй, тел. 244-70-85 .

Қурилиш-монтаж ишлари Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ҳузуридаги суғориладиган ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Кичик бизнес субъектлари учун квота ўлчови — 35%.

Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга ваколатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдога қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси – Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Фарғона шаҳри, Темирйўлчилар кўчаси 37-уй, телефон/факс: 8-373-244-55-32

Танлов ҳужжатларини бир тўпламининг нархи – 63 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўн беш (15) кундан кейин, *Фарғона шаҳри, Ал-Фарғоний кўчаси, 92-уй* манзилида ўтказилади.

Хизматлар лицензияланган.

Реклама ва эълонлар

Аукцион савдолари хабарномаси!

«KO'CHAR MULK SAVDO SERVIS MChJ Buxoro filiali» Бухоро шаҳар Мустақиллик кўчаси 10-уй манзилида бўлиб ўтадиган қуйидаги аукцион савдоларига таклиф этади.

I. **2014 йил 29 апрел куни соат 11-00 да** ташкил қилинадиган савдоларга «Бухоро Дори-Дармон» шўъба корхонаси билан ҳамкорликда ташкил қилинадиган «Аукцион» савдоларига корхона ҳисобидаги қуйидаги автотранспорт воситалари ЛОТ тартибида ҳар бири алоҳида мулк сифатида қўйилмоқда.

1-ЛОТ 2009 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақами 80/271 НАА бўлган ДАМАС русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси 18 271 113 сўм. **2-ЛОТ** 2009 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақами 80/632 ВАА бўлган ДАМАС русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси 16 339 915 сўм. **3-ЛОТ** 2004 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақами 80/279 JAA бўлган ДАМАС русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси 16 006 085 сўм.

II. 2014 йил 29 апрел куни соат 12-00 да ташкил қилинадиган савдоларга Бухоро вилояти Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси билан ҳамкорликда ташкил қилинадиган «Аукцион» савдоларига бошқарма ҳисобидаги қуйидаги автотранспорт воситалари ЛОТ тартибида ҳар бири алоҳида мулк сифатида қўйилмоқда.

1-ЛОТ 1995 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақами 80/384 МАА бўлган МИДИБУС М24 автобус русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси 6 600 000 сўм. **2-ЛОТ** 1990 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақами 20 АО 689 бўлган ТОЙОТА микроавтобус русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси 3 100 000 сўм. **3-ЛОТ** 1998 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақами 80/033 QAA бўлган НЕКСИЯ русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси 8 200 000 сўм.

Закалат пули миқдори бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизи миқдорида белгиланган.

Талабгорлар диққатига.

Аукцион савдоси ғолибига 10 кунлик муддат ичида олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Мулк учун тўловларни тўлаш тартиби ва муддати олди-сотди шартномасида белгиланади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан савдоларда иштирок этиш учун белгиланган шаклдаги буюртманомалар «Аукцион ташкилотчиси» томонидан Бухоро шаҳар, Мустақиллик кўчаси, 10-уй (4-қавати) манзили бўйича аукцион хабарномаси эълон қилинган кундан бошлаб «Аукцион» савдоси ўтказилиши белгиланган сана кунидан бир кун олдин бўлган муддатга қадар қабул қилинади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлар «Аукцион ташкилотчиси» билан тузиладиган закалат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан белгиланган миқдордаги закалат пулларини тўлашлари ҳамда жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, ҳуқуқий шахслардан давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, устави нусхаси ва савдода қатнашувчи ишончли вакил учун тасдиқланган ишончнома тақдим этилиши сўралади.

Закалат тўлови учун реквизитлар: «KO'CHAR MULK SAVDO SERVIS MChJ Buxoro filiali» СТИР 302523082, МФО 00115 ОАТБ Қишлоқ қурилиш банки Бухоро минтақавий филиалидаги ҳисоб рақами 20208000805028108002.

Буюртманомаларни қабул қилиш ёки аукцион савдоларига чиқарилган мулклар билан танишиш ҳамда сизларни қизиқтирган барча саволлар бўйича қуйидаги манзилларга мурожаат қилишингиз мумкин.

«Аукцион ташкилотчиси» — «KO'CHAR MULK SAVDO SERVIS MChJ Buxoro filiali».

Манзили: Бухоро шаҳар Мустақиллик кўчаси 10-уй. (4-қават). Тел: 8 365 223-49-24.

E-mail: kmss.res@mail.ru, гувоҳнома № 006263.

Хизматлар лицензияланган.

Qishloq Qurilish Bank

Мен 2013 йилда «Олис осмон» номли қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга мўлжалланган хусусий корхона ташкил этдим. Унинг ривожланишида ОАТБ «Қишлоқ қурилиш банк» Қумқўрғон филиалининг молиявий кўмаги катта бўлди.

Мадад сиздан, иш биздан

Бизнес режамни пухта тузиб, банкка мурожаат қилдим. Кўп ўтмай корхонамизга шпаклёвка ҳамда водоэмулсия ишлаб чиқариш учун 300 млн. сўм миқдорида имтиёзли кредит ажратилди. Ушбу маблағдан омилкорлик билан фойдаланиб, 26 турдаги қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Ўтган йили 772,7 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. 24,9 млн. соф фойда олишга эришдик. Натижада, 6 та янги иш ўрни яратилди. Ҳозирда «Олис осмон» хусусий корхонамиз Сурхондарё вилояти аҳолиси ҳамда қурилиш корхоналарини сифатли маҳсулотлар билан таъминлаб келмоқда.

Келажакда уларнинг турини кўпайтириб, қўшимча иш ўринларини яратишни кўзда тутганмиз.

Фурқат НАРҲАМЕДОВ,
Термиз туманидаги «Олис осмон» хусусий корхонаси раҳбари

Шеробод туманидаги «Сухроб-Соҳиб-Сардор» хусусий корхонасида қурилиш учун зарур бўлган ўндан ортиқ турдаги бўёқ маҳсулотини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

«Гулшан» ёрлиғи билан

Президентимиз раҳнамолигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари қўллаб-қувватланиб, муносиб рағбатлантирилаётгани рақобатбардош, арзон, сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш кўламини кенгайтириш ва аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим омил бўлаётир.

Айни пайтда 15 киши меҳнат қилаётган корхонада кунига беш тоннадан ортиқ бўёқ ишлаб чиқарилиб, замонавий усулда қадоқланмоқда. «Гулшан» ёрлиғи билан тайёрланаётган ранг-баранг бўёқлар харидорларга манзур бўлмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даврида Сурхондарё вилоятида замонавий технологиялар билан жиҳозланган корхоналар барпо этиб, озиқ-овқат, қурилиш, енгил саноат ва бошқа соҳаларда маҳсулот ишлаб чиқариш истагини билдирган ўндан ортиқ тадбиркорлик субъектига тижорат банклари томонидан имтиёзли кредит маблағлари ажратилди.

ЎзА

Момомерос ҳунарни ардоқлаб...

Кармана туман озиқ-овқат саноати ва меҳмонхона хўжалиги касб-ҳунар коллежида таҳсил олаётган Севара Ҳамроеванинг тикиш-бичиш ва каштадўзликка меҳри баланд.

Севара дарсдан бўш вақтини ўнга яқин шогирдлари ҳамроҳлигида каштали кўйлак, ёстиқ, нимча, дастурхон, сўзана ва дўппи тикиш билан ўтказади. У унутилаёзган қадим каштачилик анъаналарини ҳамда аппликация турларини қайта тиклаш, уларга замонавий сайқал бериб, янги турдаги бежирим буюмлар тикишни ният қилган.

Суратда: *Севара Ҳамроева.*

ЎзА фотомухбири Сирож АСЛОНОВ олган сурат

Реклама ва эълонлар

Аукцион савдолари хабарномаси!

«Кк'CHAR MULK SAVKк SERVIS» MChJ Buxoro filiali мулкнинг бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

I. 2014 йил 14 май куни соат 11:00 да Бухоро шаҳар Мустақиллик кўчаси 10-уй манзилида ташкил қилинадиган савдоларга Бухоро тумани ҳокимининг 2014 йил 24 мартдаги № 01-212-сонли буюртмасига асосан туман ҳокимлиги ҳисобидаги бошланғич баҳоси 4 392 324 сўм бўлган, 1999 йилда и/ч «ТИКО» русумли д/р 80/ 690 SAA бўлган автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

II. 2014 йил 14 май куни соат 12:00 да Бухоро шаҳар Мустақиллик кўчаси 10-уй манзилида ташкил қилинадиган савдоларга Жондор тумани «Алели техникаси» ММТП очиқ акциядорлик жамиятининг буюртмасига асосан жамият ҳисобидаги бошланғич баҳоси 1 900 000 сўм бўлган, 1988 йилда и/ч Т-28х4М-С1 русумли д/р 49-06 БВ бўлган трактори ҳамда бошланғич баҳоси 1 000 000 сўм бўлган, 1986 йилда и/ч Т-28х4М-С1 русумли д/р 49-21 БВ бўлган трактори ҳар бири алоҳида лот тартибида қўйилмоқда.

III. 2014 йил 14 май куни соат 14-00 да Бухоро шаҳар, Мустақиллик кўчаси 10-уй манзилида ташкил қилинадиган савдоларга Ғиждувон тумани «Пахтаобод-Қуввати» ММТП МЧЖнинг буюртмасига асосан жамият ҳисобидаги бошланғич баҳоси 800 000 сўм бўлган, 1998 йилда и/ч Т-28х4 русумли д/р 36-57 БГ бўлган трактори қўйилмоқда.

Талабгорлар диққатига.

Аукцион савдосида ғолибига 10 кунлик муддат ичида олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Мулк учун тўловларни тўлаш тартиби ва муддати олди-сотди шартномасида белгиланади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан савдоларда иштирок этиш учун белгиланган шаклдаги буюртманомалар «Аукцион ташкилотчиси» томонидан Бухоро шаҳар, Мустақиллик кўчаси, 10-уй (4-қавати) манзили бўйича аукцион хабарномаси эълон қилинган кундан бошлаб «Аукцион» савдоси ўтказилиши белгиланган санаси кунидан бир кун олдин бўлган муддатга қадар қабул қилинади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлар «Аукцион ташкилотчиси» билан тузиладиган закалат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан мулк бошланғич қийматининг 10 фоизи миқдоридаги закалат пулларини тўлашлари ҳамда жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, ҳуқуқий шахслардан давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, устави нусхаси ва савдода қатнашувчи ишончли вакил учун тасдиқланган ишончнома тақдим этилиши сўралади.

Закалат тўлови учун реквизитлар: «KO'CHAR MULK SAVDO SERVIS» MChJ Buxoro filiali СТИР 302523082, МФО 00115 ОАТБ Қишлоқ қурилиш банки Бухоро минтақавий филиалидаги ҳисоб рақами 20208000805028108002.

Буюртманомаларни қабул қилиш ҳамда сизларни қизиқтирган барча саволлар бўйича қуйидаги манзилларга мурожаат қилишингиз мумкин.

«Аукцион ташкилотчиси» — «KO'CHAR MULK SAVDO SERVIS MChJ Buxoro filiali».

Манзили: Бухоро шаҳар, Мустақиллик кўчаси 10-уй. (4-қават). Тел: 8 365 221-59-24. E-mail: kmss.res@mail.ru, гувоҳнома № 006263.

Хизматлар лицензияланган.

МЧЖ шаклидаги «Сурхондарё ким ошди савдо» корхонаси навбатдаги «Ким ошди» савдосини Термиз шаҳри, Ф.Хўжаев кўчасида жойлашган Тадбиркорлар маркази биноси, 2-қават, 10-хонада 2014 йилнинг 12,13,14 май кунлари соат 10:00 дан бошлаб ўтказади.

Ушбу «Ким Ошди» савдосида қуйидаги автотранспорт воситалари сотувга қўйилмоқда:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 31 декабридаги 343-сонли қарорига мувофиқ Сурхондарё вилояти божхона бошқармаси томонидан савдога чиқарилган:

1. «Дамас» русумли, 1999 йилда ишлаб чиқарилган, 75/609ААА давлат белгили, таъмирталаб ҳолатдаги автомашина. **Бошланғич баҳоси — 7 926 182 сўм.**

2. «Тико» русумли, 2001 йилда ишлаб чиқарилган, 75/619ААА давлат белгили, таъмирталаб ҳолатдаги автомашина. **Бошланғич баҳоси — 2 926 867 сўм.**

Ким ошди савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар МЧЖ шаклидаги «Сурхондарё ким ошди савдо» корхонаси билан закалат шартномасини расмийлаштириб, ОАТ «Ҳамкорбанк»даги ҳ/р: 20208000104531008004, МФО: 01001, ИНН: 206710579 га сотилаётган автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда гаров пули тўлаган ҳолда ариза бериб, рўйхатдан ўтишлари шарт. Аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Термиз шаҳри, Ф.Хўжаев кўчаси, Тадбиркорлар маркази биноси, 2-қават, 10-хона. Тел/факс: 8-376-223-07-96. Гувоҳнома № 719.

Хизматлар лицензияланган.

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази маъмурияти ҳамда касаба уюшма ташкилоти Марказ директори вазифасини бажарувчи Қутпиддин Тўқсоновга акаси **Фарҳод ШЕРМАТОВ**нинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Омон бўлинг, МУШТАРИЙ

Ishonch
2014-yil 10-aprel № 45 (3394)

Мардлик ва жасорат тимсоли

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, кимки ўзбек номини, ўзбек миллатининг куч-қудратини, адолатпарварлигини, чексиз имкониятларини, унинг умумбашарият ривожига қўшган ҳиссасини, шу асосда келажакка ишончини англамоқчи бўлса, Амир Темур сиймосини эслаши керак.

Бобокалонимизнинг буюк бунёдкорлик салоҳияти, қудратли давлат, адолатли жамият барпо этиш, тинчлик ва осойишталикни сақлаш, ўзаро ҳамжиҳатлик, бағрикенглик, барқарорлик, меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш, халқ фаровонлигини таъминлашга оид эзгу тамойиллари бугун Ватанимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг асосий мезонига айланган. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Соғлом бола йили, деб номланган жорий йилда соғлом ва баркамол авлод келажаги учун ғамхўрлик кўрсатиш, уларни буюк аждодларимизга муносиб ворислар этиб тарбиялашдек эзгу ишларда, жамиятимиз ҳаётининг барча жабҳаларида амалга оширилаётган изчил ислоҳотларда бу жиҳатлар ўзининг ёрқин ифодасини топаётир.

Тадбир қатнашчилари Амир Темур ҳайкали пойига гуллар қўйдилар.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов иштирок этди.

***

Шу куни Темурийлар тарихи давлат музейида ўзбек давлатчилигида Амир Темур ва темурийлар салтанатининг ўрни мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда давлат, нодавлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, олимлар, ўқитувчилар, талаба-ёшлар иштирок этди.

Тадбир доирасида «Буюк аждодлар мероси — барҳаёт» номли кўргазма ташкил этилди.

Соҳибқирон таваллудига бағишланган тадбирлар Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятларда бўлиб ўтмоқда.

Матназар ЭЛМУРОДОВ,
ЎзА мухбири.
ЎзА фотомухбири
Сарвар ЎРМОНОВ
олган сурат

Барҳаёт сиймолар

...Қудратимизга ишонмасанг

қурган иморатларимизга боқ

Амир Темур ўз давлатининг шон-шуҳрати учун унинг марказий қисми бўлган Мовароуннаҳр, айниқса, пойтахт Самарқанднинг ободончилигига алоҳида аҳамият қаратган. Унинг ҳар бир зафарли воқеани, севинчли ҳодисани муҳташам меъморлик обидасини барпо этиш билан нишонлаш одати бўлган. Шу мақсадда ҳиндистонлик моҳир ғишт терувчилар, Шероз, Исфаҳон ва Дамашқнинг машҳур уста-ҳунармандлари қаторида ерли усталар мамлакатда кўпдан-кўп улуғвор иншоотлар барпо қилганлар.

Соҳибқирон Табризда Жоме масжиди, Шерозда сарой, Бағдодда мадраса, Туркистонда машҳур шайх Аҳмад Яссавий қабри устига мақбара бино қилдирди. У ўзининг саховати ва ҳиммати, хусусан, Шаҳрисабз ва Самарқандда олий иморатлар тиклашда кўрсатди. Шаҳрисабзда отаси ва ўғли Жаҳонгирнинг қабрлари устига мақбара барпо этиб, Жоме масжиди қурдирди. Шу ерда машҳур Оқсарой қад кўтарди. Бу муҳташам иморат пештоқи, тоқу равоқлари, гумбазу деворлари зангори ва олтин рангдаги нақшли кошинлар, гулдор ўймакор парчинлар эса ояту турли мазмундаги битиклар билан зийнатланди. Оқсаройнинг кошинкор ва парчинкор пештоқи гулдор нақшлари орасига *«Агар бизнинг қувват ва қудратимизга ишонмасанг қурган иморатларимизга боқ»*, дейилган ҳитобнома битилган. Туркистон шаҳрида Аҳмад Яссавий мақбарасини барпо этишда ҳам шундай мақсад назарда тутилган.

Бу кўҳна дунё тарихида қатор жаҳонгирлар ҳукмронлик қилиб ўтган. Уларнинг аксарияти ўзидан фақат культепага айланган вайроналарнигина қолдирган. Улардан фарқли ўлароқ, Амир Темур умр бўйи бунёдкорлик билан машғул бўлган. Унинг *«Қай бир жойдан бир ғишт олсам, ўрнига ўн ғишт қўйдирдим, бир дарахт кестирсам, ўрнига ўнта кўчат эктирдим»*, деган сўзлари бунинг ёрқин исботидир.

Чингизхон босқини давомида бутунлай вайрон этилган Самарқанд шаҳри соҳибқирон даврида ўзининг қадимги ўрнидан бирмунча жануброқда янгидан қурилди. Шаҳар тевараги Оханин, Чорсу, Шайхзода, Коризгоҳ, Сўзангарон ва Феруза каби номлар билан юритилувчи олтита дарвозали мустаҳкам янги қалъа девори билан ўраб чиқилди. Шаҳар аркида Амир Темурнинг қароргоҳи Кўксарой ва Бўстонсарой бино қилинди. Аркда Кўктош деб юритилган тахт ўрнатилган улкан миёнсарой(зал)дан ташқари, давлат девонхонаси, қурол-яроғ ясайдиган устахона ва аслаҳахона, ҳибсхона каби иморатлар жойлашган. Самарқандда масжид, мадраса ва мақбаралар билан бир қаторда, кўприк ва ҳаммомлар қурилган, шаҳар ташқарисида эса қўриқхона ва боғлар барпо этилган. 1403-1404 йилларда Самарқандда бўлган Испания элчиси Клавихо Амир Темур фармони билан олиб борилаётган бунёдкорлик ишларини кузатиб ҳайратда қолган. Ҳозирда Бибихоним номи билан машҳур Жоме масжиди ва бошқа кўпгина бинолар айнан ўша даврда қад кўтарган эди.

Бу даврда Самарқандда кўркам ва муҳташам иморатлардан ташқари турли касбдаги ҳунармандчилик маҳаллалари барпо этилиб, устахоналарнинг омилкор эгалари учун шарт-шароитлар яратиб берилган.

Соҳибқирон Самарқанд атрофида кўпгина гўзал боғлар бунёд эттирди. Моҳир меъморлар, тажрибали соҳибкорларнинг ақл-заковати, меҳнати-ю маҳорати билан барпо этилган Боғи Дилкушо, Боғи Чинор, Боғи Беҳишт, Боғи Баланд, Давлатобод, Боғи Нав, Боғи Шамол, Боғи Жаҳоннамо, Боғи Майдон каби чорбоғлар ва улардаги гўзал кўшклар ўша давр боғдорчилик санъатининг намуналаридандир.

Тузилишига кўра боғлар икки турда бўлган. Биринчи турдаги боғлар ҳар томони тахминан бир километр масофага чўзилган тўртбурчак шаклдаги чорбоғлар бўлиб, иккинчи турдагилари эса табиий дарахтзор, бутазор ва ўтлоқ майсазорларда барпо этилган қўриқхоналардир. Бундай қўриқхоналар ҳукмдорларнинг ов (шикор) қилиши учун мўлжалланган. Қўриқхонанинг ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, шубҳасиз, ниҳоятда бой бўлган.

Шаҳарнинг шарқ томонида Боғи Дилкушо жойлашган. Унинг ташқи ҳовлисида ҳашаматли сарой бўлиб, уни қуролланган аскарлар қўриқлаган. Ички ҳовлида эса туғлар билан безатилган олтин фил ҳайкаллари сафга терилган. Учинчи ҳовли Амир Темурнинг чет эллардан келган меҳмонларни қабул қиладиган олтин тахтли қароргоҳи бўлган. Соҳибқирон испан элчиси Клавихони ана шу боғдаги қароргоҳида тантана билан қабул қилган.

Амир Темур мамлакатни бошқарган даврда Мовароуннаҳрнинг деҳқончилик воҳаларида, хусусан, Зарафшон водийсида қатор суғориш тармоқлари қазилиб, суғорма деҳқончилик майдонлари кенгайтирилди. Кўплаб янги қишлоқлар барпо этилди. Соҳибқирон давлат пойтахти Самарқанд атрофида қад кўтарган бир қанча қишлоқларни Шарқнинг машҳур шаҳарлари Димишқ (Дамашқ), Миср (Қоҳира), Бағдод, Султония ва Шероз номлари билан атади. Зеро, Самарқанд ўзининг катта ва янги шаҳар эканлиги, беқиёс гўзаллиги ҳамда теварак-атрофининг обод этилганлиги жиҳатидан жаҳондаги энг йирик шаҳарлардан ҳам устунроқ турмоғи лозим эди.

Мамлакат шаҳарларида, айниқса, унинг пойтахтида савдо ва ҳунармандчилик ғоятда ривожланади. Янги бозорлар, савдо расталари барпо этилади. Шаҳар билан деҳқончилик воҳалари, чорвадор кўчманчи ва ярим кўчманчи аҳоли ўртасида айирбошлаш, савдо алоқалари кенгаяди. Ўзаро савдони кенгайтиришда шаҳар аҳолиси алоҳида аҳамият касб этади. Мамлакатнинг ички ва ташқи савдоси кенгайиб, тараққий этишида Самарқанд катта ўрин тутарди. Клавихонинг таърифлашича, Самарқанд бозорида буғдой ва гуруч мўл ва арзон бўлган. Унда ҳунармандчилик махсулотлари: атлас ва кимхоб, ип ва жун тўқима моллари, мўйнали ва ипакли пўстинликлар; атторлик маҳсулотлари, зиравор ва дориворлар, ложувардлар ва бошқа турли моллар сотилган. Пойтахтга чет мамлакатлардан, хусусан, Хуросондан маъданлар, Ҳинд ва Синддан ёқут ва олмос, Хитойдан атлас, мушк ва бошқа моллар, ўзга ерлардан олтин ва кумуш олиб келинган. Клавихо Хитой пойтахти Хонбалиқ (Пекин)дан 800 туялик савдо карвони келганини ўз кундалигида қайд этган. Бу даврда Амир Темур ва унинг маҳаллий ноиблари Хитой ва Ҳиндистондан Марказий Осиё орқали Яқин Шарқ ва Европа мамлакатларига йўналган халқаро карвон йўли Буюк ипак йўли ва унинг тармоқларини қатъий назорат остига олади. Савдо карвонлари қатновининг хавфсизлигини таъминлаш ва уларга қулайликлар яратиб бериш мақсадида жиддий чора-тадбирлар кўрилади. Шаҳарларда карвонсарой, Ипак йўли бўйлаб работлар, қалъалар ва кўприклар қурилади. Натижада, Шарқ билан Ғарб мамлакатлари ўртасида савдо-сотиқ ва элчилик алоқалари кенгаяди. Булар эса, шубҳасиз, Амир Темур давлатининг ташқи иқтисодий ва элчилик алоқалари барқарорлигини таъминлашга хизмат қилган.

А.МУҲАММАДЖОНОВ,
тарих фанлари доктори,
академик.
Қ.РАЖАБОВ,
тарих фанлари доктори

Эзгуликдан нурафшон диллар

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

— Мартабали меҳмонларга ҳамроҳлик қилган Фонднинг «Оналик ва болалик» бўлими бошлиғи Жумабой Нуров, Жиззах вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Пўлат Бобоев, таниқли шифокорлар — Холида Алимова, Гўзал Баҳромовалар вилоят кўп тармоқли болалар тиббиёт марказида жиззахлик 6-12 ёшгача бўлган суяк тизими касалликлари, туғма сийдик ажратиш тизими касалликлари, остеомиелит асоратлари, травматик асоратлардан кейинги суякнинг нотўғри ўсиши, тананинг қуйишдан кейинги функция бузилишига олиб келадиган чандиқлари ва контрактуралари бўйича хасталанган болаларни тиббий кўрикдан ўтказишди.

Хайрия тадбирида, шунингдек, сон суягининг чиқиши, туғма маймоқлик, сон суягининг кемтиклиги, туғма сон суягининг чиқиши, сон суягининг сурункали остеомилити, скалиоз, гемотоген остеомилит, куйишдан жароҳатланиш, орқа мия чурраси, паралич, умуртқа поғонасининг кафосколиози сингари ташхис қўйилган бемор болалар қабулга келишиб, келгусида самарали муолажа қайси тиббий муассасаларда давом эттирилиши зарурлиги ҳақида қимматли тавсиялар олишди.

— Умид билан мазкур хайрия тадбирига келдик, — дейди зарбдорлик саккиз яшар Ҳасанбек Турғуновнинг буваси 76 ёшли мўйсафид Турғунбой ота Човғанов. — Набирам туғма орқа мия асорати билан хасталанган. Ҳукуматимизга раҳмат, келажагимиз эгалари бўлган болажонларга доимий ғамхўрлик ва эътибор кўрсатмоқда.

Жиззах туманилик етти ёшли Жасурбек Тиркашев эса танасининг, иккала оёғи сон, болдир, панжа соҳаларининг иссиқ сувдан 28-30 фоиз термик куйиши, токсемия даври билан мурожаат қилди. Ҳар икки беморнинг касаллик тарихи ҳужжатлари мутахассислар эътиборини тортди.

Шу куни Сирожиддин, Нурсултон, Самандар, Қувондиқ, Жавлонбек, Комила, Ойша, Азиза, Қудрат, Акмал, Шоҳсанам, Севинч, Ситора, Озода сингари ўнлаб болажонларнинг хасталиклари юзасидан юксак малакали мутахассислар тегишли ва зарур тавсияларни беришди.

— Биз, тиббий кўрик иштирокчиларига Жиззах вилоят кўп тармоқли болалар тиббиёт марказида зарур шароитлар яратиб берилганидан миннатдормиз, — дейди жиззахлик олти ёшли бемор Жавоҳир Ботировнинг онаси Ирода мамнунлик билан. — Бемор болажонларга шу ернинг ўзида тажрибали рентгенологлар беминнат хизмат қилиб туришибди. Ўғлимнинг касалига оид зарур муолажалар юзасидан қимматли тавсиялар олдим.

Шу куни вилоятдаги оператив даволанишга муҳтож бўлган қирққа яқин болажон тиббий кўрикдан ўтказилиб, уларга муолажа юзасидан зарур тавсиялар берилди ҳамда Германиянинг нуфузли клиникаларида даволаш учун танлаб олинди.

Абдуманнап АЗИМОВ,
«Ishonch» мухбири

Китобхонлик

Пойтахтимизнинг Бектемир туманидаги 293-умумтаълим мактаби қошидаги ахборот-ресурс марказида «Болалар китоби — соғлом бола маънавияти асоси» мавзуида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди. Унда тумандаги умумтаълим мактабларининг кутубхоначилари, ота-оналар ва ўқувчилар иштирок этишди.

МАЪНАВИЯТ АСОСИ

Тадбирда ахборот-ресурс маркази ва мактаб кутубхоналарига ташкилотчилар ҳамда ота-оналар томонидан китоблар туҳфа қилинди. Шунингдек, «Ўздавкитобсавдотаъминоти» ОАЖ вакиллари 3000 тага яқин китоб билан ташриф буюришди. Ўқувчилар ўзлари ёқтирган китобларни харид қилишди.

Салим АБДУРАҲМОНОВ,
«Ishonch» мухбири



«БУЮК СОҲИБҚИРОН» АЙЛАНМА КРОССВОРДИ

Белгиланган хонадан рақам атрофига соат мили йўналишида: 1. Амир Темур даврида Шаҳрисабзда бунёд этилган муҳташам меъморий обида. **2.** «Амир Темур» романи муаллифи, ўзбек тарихчи олими. **3.** Соҳибқироннинг набираси, фалакиётшунос олим, темурийзода ҳукмдор. **4.** Амир Темур ёшлигидан шуғулланган, жониворларни тутиш касби. **5.** Соҳибқироннинг падари бузруквори. **6.** Тарихчи, «Амир Темур тарихи» асари муаллифи. **7.** Амир Темурнинг отаси эътиборли бекларидан бўлган улус. **8.** Амир Темур Туркистонда шарафига мақбара қурдирган тасаввуф намояндаларидан бири, «Девони ҳикмат» асари муаллифи, шоир. **9.** Ҳукмдор томонидан амалдор ва саркардаларга салтанат олдида кўрсатган хизмати учун берилган имтиёз, иньом қилинган ер-сув, мол-мулк. **10.** Амир Темур қўшинидаги хабарчи қисм. **11.** XIV аср охирида Амир Темур салтанатига қўшилган Эроннинг шимолишарқидаги тарихий вилоят. **12.** Инсоннинг ватанига, халқига чин қалбдан вафодорлик фазилати. **13.** «Темир тузуклари» асарини ўзбек тилига ўгирган илк таржимонлардан бири, жамоат арбоби. **14.** Мамлакатимизда истиқлол йилларида буюк соҳибқиронга салобатли ҳайкал ўрнатилган шаҳар. **15.** Кастилия қироли Генрих III томонидан Амир Темур ҳузурига юборган иккинчи элчилиги раҳбари, хотиралари асосидаги «Буюк Темур тарихи» асари муаллифи. **16.** Темурийзода ҳукмдор Заҳириддин Муҳаммад Бобур Деҳли султони Иброҳим Лўдий қўшини устидан зафар қозонган шаҳар. **17.** Соҳибқирон давлати таркибида гуллаб яшнаган водий. **18.** Жангларда асосан тунда ўтказиладиган босқин қатнашчиси. **19.** Амир Темур ўгитидан: «Кечира олишлик — ..., кечира билмаслик номардлик саналади.» **20.** Театр саҳнасида Амир Темур сиймосини гавдалантирган Ўзбекистон халқ артисти, устоз санъаткор.

«АМИР ТЕМУР ЎГИТЛАРИ» МУАММОНОМАСИ

Аввало, Амир Темур ёзиб қолдирган қуйидаги ўгитларда келтирилиб, рақамларда ифодаланган калит сўзларни топинг.

1. Энг баланд **5, 2, 15, 3, 6, 1** ҳам ердан кўтарилгай.
2. Бўлар одам **10, 12, 2, 4, 1** бош бўлар,
Бўлмас одам қиркида ҳам ёш бўлар.
3. 13, 14, 12, 2, 15, 2 — ёмон кунда сина.
4. Бир кунлик адолат — **11, 9** кунлик тоат-ибодатдан афзал.
5. Менда бирон кимсанинг ҳақи бўлса, ҳақини ҳеч — **8, 15, 8, 7, 5, 1, 4, 2, 5.**
6. Билаги зўр — **16, 2, 6, 15, 2** йиқар, билими зўр — мингни.

Энди калит сўзлари асосида шаклнинг ўрта қисмидаги муаммономани ҳал этинг. Соҳибқирон Амир Темурга мансуб яна бир ўгитни билиб оласиз.

Фозилжон ОРИПОВ

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari
Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati:
Muhammad Ali Ahmedov, Baxtiyor Mahmadaliyev, Oksana Belausova, Sog'indiq Niyetullayev, Eson Rajabov, Jahongir Sharofboyev (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, **Huquq va xalqaro hayot** — 256-64-69, **Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport** — 256-82-79, **Xatlar va muxbirlar bilan ishlash** — 256-85-43, **Reklama va e'lonlar** — 256-87-73.

Hududlardagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 141-27-70; **Buxoro** + 99893 653 50 81; **Sirdaryo** + 998 90 999 58 30; **Jizzax** + 998 94 418-67-49; **Navoiy** + 998 94 226-28-84; **Namangan** + 998 90 260-50-77; **Samarqand** + 998 93 352-50-87; **Qashqadaryo** +998 91 467-30-01; **Surxondaryo** + 998 95 502-68-99; **Farg'ona** + 998 90 583-49-79; **Qoraqalpog'iston Respublikasi** + 998 91 268-92-32; **Xorazm** + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi:
133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir: **N.Rafiqov**
Navbatchi: **U.Ibodinov**
Musahhih: **S.Shodiyeva**

Bosishga topshirish vaqti - 20.00
Topshirildi - 19.00

E-mail:ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

Buyurtma Г — 418 | 20930 nusxada bosildi | 1 2 3 4